



20 20 у. « 12 » август

№ Қ-375

« » 20 г.

**Термиз тумани “Сурхон Намуна”
массиви “Қахрамон” маҳалласи
худудидан “TERMIZ-AGRO-DENOV”
МЧЖга “Иссиқхона” қуриш учун ер
майdonи ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 июлдаги 05-02/412-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 26 июндаги 01-08/265-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 июлдаги 05-02/412-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Сурхон Намуна” массиви “Қахрамон” маҳалласи худудидан “TERMIZ-AGRO-DENOV” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 181қ-дала контуридаги жами 1,6 гектар, шундан 1,5 гектар суғориладиган экин ер ва 0,1 гектар ариқ-зовурлар билан банд бўлган ер майдонлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида “Иссиқхона” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “TERMIZ-AGRO-DENOV” МЧЖ бошлиғи М.Исаевга:
ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;


етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши:
мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари**



Р.Пардаев